

БИРОДАРЛИК

## 1-БОБ БИРОДАРЛИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 1. РОХИБ ТУРМУШИ

1. Менинг шогирдим бўлмоқни истаган киши уйини, жамоаси ва мартабасини ташлаши керак. Таълимотим ҳаққи буларнинг ҳаммасини тарқ этган одам менинг ворисимдир. Уни роҳиб деб атайдилар.

Ҳатто этагимдан тутиб, ортимдан изма-из келаётса ҳам, агар унинг дили очкӯзликдан эзилса, у ҳолда бундай киши Мендан узоқдир. Ҳатто роҳибларча кийинган бўлса ҳам, у Менинг таълимотимни кўрмайди. Таълимотимни кўрмаган киши Менинг ўзимни ҳам кўрмайди.

Ҳатто Мендан юз минглаб фарсаҳ олисда турса ҳам, агар дили тақволи ва осуда бўлса, очкӯзликдан холи бўлса, у киши мен билан ёнма-ёндир. Негаки, у Менинг таълимотимни кўраётир. Модомики, таълимотимни кўра олса, Менинг ўзимни ҳам кўра олади.

2. Менинг шогирдларим — роҳиблар ўз турмушидан тўрт шартга амал қилишлари лозим.

Биринчидан, ўзга эски матодан кийим тикиб олсин. Иккинчиси — роҳиб садақа билан тириқчилик қилсин. Учинчиси — у дарахт панасида ёхуд тошустида яшасин. Тўртингидан, роҳиб фақат оға-инилари сийдигидан тайёрланган дорини ичсин.

Качкул билан эшикма-эшик юриб садақа сўраш — бу гадойликдир, аммо қўрқинч остида ё қаллобликдан қилинган гадойлик эмас. Бу шундай тиланчиликки, у инсонга бутун дунёвий изтироблардан халос бўлишни ва гумроҳликлардан чиқишга йўл топишни ўргатади.

Агар киши роҳибликни олса-ю, бироқ оскўзлик, кину кекдан озод бўлмаса, оромни билмасап ва ўзининг бешала сезги аъзоси остоналарини қўриқлай олмаса, у роҳибликка лойиқ эмас.

3. Ўзининг роҳиблигига ишонган ва одамларнинг саволига роҳибман деб жавоб берган киши ўзи ҳақида ишонч билан қўйидагиларни айтиши мумкин:

## Биродарлик мажбуриятлари

“Мен роҳиб риоя құлмоги лозим бўлган барча нарсаларга оғишмай амал қиласман. Менга ким садақа берса, ҳаммасга катта баҳт тилайман ва мен қандай мақсадни кўзлаб роҳибликни бўйнимга олган бўлсан, уларнинг ҳам ўша мақсадга етишувини тилайман.”

Бас, роҳиб нима құлмоги керак? У ўз хатолари ва шармисорлиқдан уялмоги керак, тана, тил ва дилнинг хатти-харакатларини тузатмоғи, турмушини покламоғи даркор, роҳат-фароғатта берилмай, беш сезги аъзоси остоналарини қатъий қўриқламоғи керак. У ўзини мақтаб, бошқаларни ёмонламасин, танбаллик құлмасин, кўп ухламасин.

У кечқурун хаёл суриб жимгина ўтирсин ва уйқу олдидан бир оз сайр қиласин. Тунда, оёқларини бирга йигиб, ўнг ёнбоши билан ётсин. Ва эртанги кунни аста уйқуга кетсин. Субҳидамда яна жимгина ўй суриб ўтирсин ва бир оз сайр қиласин.

Кундалик турмушда роҳибнинг дили ҳамиша тақволи бўлсин. Хилват жой танлаб, жисми билан дилини ўнглаб ўтирсин, у ташнаи зорлик, кину кек-

дан, нодонлик, уйқу, рухий саросималикдан, афсус-надомат ва шубха-гумонлардан соқит бўлмоги ҳамда дилини покламоги лозим.

Шу тарзда дилни маромаг солиб, эс-хушни йигмоги, дунёвий эҳтирослардан соқит бўлмоги ва дили равшанликка интилмоғи керак.

4. Инсон роҳибликни бўйнига олгандан кейин ҳам, ташнаи зорлик ва кину соқит бўлмаса ва дилозорлик, ҳасад, манманлик ва алдов каби қўсурларни яшираверса, бу ҳол ўтқир дудама шамширни кийимга ўраб олишга ўхшайди.

Роҳиб либосида бўлса ҳам, у роҳиб эмас. Тиланчилик қиласа ҳам, у роҳиб эмас. Ибодат қиласа ҳам, роҳиб эмас. У фақат зоҳирдагина роҳибdir.

Фақат зоҳиран роҳибга ўхшаб, дунёвий эҳтирослардан соқит бўлиш мумкин эмас. Гўдакни роҳиб либосида ясантириб, бу роҳиб демоқ мумкин эмас.

Ўз дилини тўгри маромга сола билган, ақл-идрокини ёрита олган, дунёвий эҳтирослардан соқит бўлиб, дили равшанлик йўлидан олга бораётган киши, фақат шундай кишиги на чинакамига роҳиб деб аталади.

## Биродарлик мажбуриятлари

Агар инсон нима даркор бўлса, ҳаммасини қўилмоққа жазм этса, ҳатто қони қургаб, сўнгаклари ушалиб кетса ҳам, қўзланган мақсад ҳаққи ўзини аямаса, у қандай мақсад билан роҳиблиқни бўйнига олган бўлса, ўша мақсадга албатта эришади ва покиза ишлар қиласди.

5. Роҳиб, шунингдек, Буддо таълимотини тарғиб қилишга мажбур. У ҳамма одамларни ўқитмоғи, гоғилларни уйғотмоғи, бузук диллиларнинг дилини тузатмоғи даркор, у, ўзини аямай, кенг тарғиб қилмоғи зарур.

Аммо тарғиб қилиш осон эмас, ким тарғиб қилишни истаса, у Буддо либосини кийиши, унинг ўрнига ўтириш ва унинг ҳужрасига кириши зарур.

Буддо либосини кийиш — ҳалим ва сабрли бўлиш дегани. Буддо ўрнига ўтириш — бари буюмлар моҳиятсиз деб тушуниш ва тобеъликдан холис бўлиш демакдир. Буддо ҳужрасига кириш — барча кишиларга нисбатан улуг раҳмдиллик ва ҳамдардлик билан муносабатда бўлишни англатади.

6. Бу таълимотни тарғиб қилишни истаганлар қуийдаги тўрт нарсага: ўз жисмига, сўзига, истакларига ва улуг ҳамдардликка алоҳида диққат қилиши керак.

Биринчидан, тарғиботчи буюк бардош заминида яшамоги даркор, қўполикка ёт ва хушфеъл бўлиши керак, ҳеч бир нарса моҳият йўқлигини тушуниши, на ёмон, на яхши нарса ҳақида ўйламаслиги ҳамда унга кўнгил боғламаслиги керак. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, унинг бутун жисмоний ҳаракатлари мулоим бўлмоғига интилиши зарур.

Иккинчидан, ким унга яқинлашса, у ҳаммага ўзтиборли бўлсин, амалдорлар ва ёмон турмуш кечи-рувчилар билан муомалада у холис бўлсин, яна бўлак жинсдаги шахслардан ҳам қочсин. Хилват жойда ўз дилини камол топдириши, оламдаги бутун ҳодисалар сабабият қонуни бўйича содир бўлишини англаши ва бошқаларни мазахламаслиги ёхуд камситмаслиги, уларнинг хатолари тўгрисида гапирмаслиги лозим.

Учинчидан, ўз дилини осуда тутиб, Буддога суйимли отага муомала қилгандек, тўгри йўлдан борувчига устоздек бўлиши керак. У ҳаммага улуг

Биродарлик мажбуриятлари

ҳамдардлик билан муносабатда бўлиши, барчага ба-  
робар қараб тарғибот қилиш лозим.

Тўртингидан, Буддо каби у ҳам ҳамиша раҳмдил  
ва ҳамдард бўлсин ва истасинки, Буддо таълимотини  
билмайдиганлар албатта унга қулоқ солсинлар, барча  
тадбирни қилинки, токи унинг орзуси ушалсин.

## 2. ИЙМОНЛИ КИШИНИНГ ЙЎЛИ

1. Юқорида айтилганидек, кимки буддо динига  
инонса, у уч азиз нарсага, яъни Буддога, Унинг  
таълимоти ва жамоасига ихлос қиласди.

Зеро, буддо динига инонгувчи огишмай Буддога,  
Унинг таълимоти ва жамоасига инониши керак,  
таълимот ўргатганидек, иймонли ушбу панд-  
насиҳатларга риоя қилиши даркор.

Ихлосманднинг аъмоллари қўйидагилардан ибо-  
рат: тирик жонзотларни жондан жудо этмаслик,  
ӯгирилик, фахшбозлик қилмаслик, алдамаслик ва май  
ичмаслик.

Издош уч азиз нарсага қаттиқ инониб, пандна-сиҳатларни қатъий бажариб, бошқа кишиларни ҳам бу уч жавхарга ишонтириш керак, токи улар ҳам панд-насиҳатларга риоя қылсынлар. У қавму-қариндош, ёру-дўст ва таниш-билишлар ўртасида бир хил иймонлилар доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиши лозим. Ўшанда улар ҳам Буддонинг раҳмдиллиги ва ҳамдардлигидан баҳраманд бўладилар.

Дунёвий издош доим эсда тутиши керакки, дили равшанлик ҳаққи уч жавхарга инонади ва ўғитларга амал қиласди, демак, у инсоний хою ҳаваслар оламида яшаб туриб, улардан озод бўлмоққа ҳаракат қилиши керак.

Эртами-кеч унга ота-она билан видолашишга тўгри келади. Оила билан ҳам видолашишга тўгри келади. Мазкур дунёни тарқ этишга ҳам тўгри келади. Ким билан видолашмоқ, нимани тарқ этмоқ бор экан, унга кўнгил қўймаслик керак, айрилиқ бўлмайдиган нирвана (ўчмоқ)-мутлоқ хотиржамлик ва фарогат ҳақида орзу қилиш керак.

2. Агар издош Буддо таълимотини тингласа ва иймони мустаҳкамланса, шунда у ўзида ўз-ўзидан шодлик вужудга келганини ҳис этади. У қачонки шундай ҳолга етганда, ҳамма нарсада нур, ҳамма нарсада шодлик кўради.

## Биродарлик мажбуриятлари

Унинг дили пок ва мулойим бўлиб қолади. У сабрли ва муросасоз бўлиб, одамларни безовта қилмай қўяди. Яъни Буддо ҳакида, унинг таълимоти ва жамоаси ҳакида ўйлаганда, унда ўз-ўзидан шодлик пайдо бўлади, у ҳамма нарсада нур кўради.

Иймон туфайли у Буддо билан ягона бўлиб қўйилади. У ўзини ўйламай, ўзига ҳеч нарса хохламай қўяди. Шунинг учун у ҳаётда ҳеч нарсадан қўрқмайди, гийбатлардан қўрқмайди.

У Буддо оламида тугилмогига ионади, шунинг учун ўлимдан ҳам қўрқмайди. Таълимотнинг ҳаққонийлигига ва қадр-қимматига ионади, шунинг учун одамлар қошида иймони тўгрисида bemalol гапиради.

У ҳаммага нисбатан раҳмдил ва ҳамдард бўлишга ҳаракат қиласиди, одамларга муомалада бир хил бўлади. Дили тақволи ва пок бўладики, у бажонудил яхшилик қиласи.

Хуш дамларда ҳам, нохуш дамларда ҳам иймони мустаҳкамланади, ўз қусурларидан уялади, таълимотни эъзозлайди, қандай гапирса, шундай ишлайди, қандай ишласа, шундай гапиради, унинг ҳеч қачон

иши билан сўзи айри-айри бўлмайди, у нарсаларга ақл-идрок кўзи билан боқади, унинг дили тог каби оғишмайди, у келажакда дили равшанлик йўлидан олга силжишни хоҳлайди.

У, қандай бўлмасин, Буддо дилини дастур қилиб одамларни етаклайди. Лойқалашган ушбу дунёда, мурдор кишилар билан алоқа қилиб, уларни эзгулик сари оғдиришга ҳаракат қиласи.

3. Демак, ҳар бир киши Буддо таълимотини, энг аввал, ўзи тинглашни хоҳласин.

Мабодо бирор айтсанки, агар ёнаётган олов ичига кирсанг, таълим оласан, у ўтга киришга ҳам тайёр бўлиши керак.

Чунки у, бутун оламни қуршаган олов ичига кириб, Буддо исмини эшпитади ва ўз халоскорини топади.

Бас, таълим олиб, ҳаммага садақа тарқатиш керак, ҳурматга лойикларни ҳурматлаш керак, ҳожатмандга хизмат қилиш керак, бошқаларга раҳмдиллик ва ҳамдардлик тўла дил билан муносабатда бўлмоқ керак. Худбинлик қиликлари ва инжикликлари дили равшанликни қўлга киритган кишига муносиб эмас.

## Биродарлик мажбуриятлари

Демак, таълимотни тинглаб, унга инонмоқ керак, бошқаларга ҳавас қилма, бошқаларнинг сўзи билан гумроҳликка ботиш мумкин, муҳими, ўз хатти-ҳаракатларингни чуқур таҳлил қил-да, бошқаларнинг қилиқларини ўйлама. Энг аввал, ўз жөдидилингни камол топдирмогинг зарур.

Ўша, Буддога ионмайдиган киши фақат ўзининг гамини ейди. Дили бачканаки, у доимо тиниб-тинчмайди. Илло, ўша, Буддога ионгувчи киши орқасида таянчи, борлигига ишонади. Зоро, унинг дили кенг ва каттаки, у ҳамиша хотиржам.

4. Буддо таълимотига диққат билан қулоқ осган киши биладики, жисми бебаҳо, унда азоб-уқубатлар жамул-жам ва у — қабоҳатлар манбаъи. Шунинг учун у ўз жисмига кўнгил боғламайди.

Аммо у ўз жисмига эҳтиёткор бўлишни унутмайди. Буни у роҳат-фарогат истаб эмас, балки ақл-идрок топмоқ ва таълимотни бошқаларга ўргатмоқ учун қиласи.

Агар ўз жисмига нисбатан эҳтиёткор бўлмаса, узоқ яшапши мумкин эмас. Агар инсон узоқ яшамаса,

у таълимотни ўзлаштириб, уни бошқаларга тарғиб қилиб ултurmайди.

Ким дарёдан сузид ўтишни истаса, у солнинг қадрига етади. Ким саёҳат қилса, у уловни қадрлайди. Шу каби Буддо таълимотини тинглагувчи ўз жисмини қадрлаши лозим.

Буддога ихлосманд киши чиройли кўриниш учун эмас, балки авратни бекитиш, ўзини совуқ ва иссиқдан ҳимоя қилиш учун кийиниши керак.

Инсон лаззатланиш учун эмас, балки ҳаётини тиклаб туриш учун овқатланиши керак, токи Буддо таълимотига эргашсин ва уни ёя олсин.

У уйда ҳам ҳаловат учун ва ўз бойлигини ҳаммага қўрсатиш учун яшамайди. У равшанлик уйида яшапман деб ўйлаши керак, уй деворлари уни дунёвий эҳтирослардан қўргонлайди, қалбаки таълимот шамол ва ёмғирларидан ҳимоя қиласди.

Бас, ҳаммаси ўз ҳаловати ва одамларга ўзининг устунлигини қўрсатиш учун қилинмайди, балки дили равшанлик учун, Буддо таълимотини ўзлаштириш, уни бошқаларга ҳам ўргатиш учун қилинади.

Зеро, инсон уйда оиласи билан бирга турса-да, бир зум ҳам таълимот ҳақида унутмаслиги керак. У

Биродарлик мажбуриятлари

рахмидиллик ва ҳамдардлик билан тұлиб-тошиб оила баҳт-саодати учун хизмат құлсын ва оилани ҳар қанақасига құтқазув йұлиға солсин.

5. Дүнёвий издош ҳамма вакт ота-онасига, оиласи, үзига үзи ва Буддога хизмат қилиши керак.

Ота-онасига хизмат қилар экан, мудом уларга ғамхұрлық күрсатиши, осудалик ва баҳт тилаши керак. Хотин ва болалари билан биргә бұлғанда, у ҳамиша тобеълик қамоқхонасидан озод булишга ҳаракат құлсын.

Мусиқа тинглаган чогда ҳам у Буддо таълимотидан шавқ излаши керак. Хона ичидә турған чогда ҳам, оқыл киши холига эришишга ва мурдорлиқдан абадий озод булишга ҳаракат қилиши керак.

Кимгадир қурбонлик қилғанда, ҳамма нарсадан бош тортиши ва очкүзликдан қутилишига уриниши керак. Одамлар аро йигинда турғанда, у буддолар аро йигиндаман деб үйлаши керак. Агар бошига кулфат түшса, нима содир бұлмасин, дилім тинчини йүқтотмасин деб, ибодат қилиш керак.

У Буддо химоятига чопиб келганда, бошқалар билан бирга катта тұғри йүл исташ лозим.

У Буддо таълимоти химоятига чопиб келганда, бошқалар билан биргаликда таълимот хазинасига киришни ва уммондай улкан ақл-идрокка әга бўлишни истashi лозим.

У Буддо жамоаси химоятига чопиб келганда, бошқалар билан бирга халойикни бошлиши ва улар йўлидан барча тўсиқларни бартараф этиши даркор.

У кийим кийган чогда, эзгулик ва мўминлик либосини ҳам унутмаслиги керак.

У катта ё кичик муҳтожликни қоплаган чогда, очкӯзлик, кину кек ва нодонлик иллатидан озод бўлишни истashi даркор.

У юқорига ўралган йўлни кўрганда, юксак йўл бўйлаб қўтарилишни ва янглишувлар оламидан чиқиб кетишни кўзлаши керак.

У кўпrik қурган чогда, Буддо таълимоти кўпригини қуришни ва ундан одамларни ўтказишни кўнглига туғиши керак.

## Биродарлик мажбуриятлари

Догу ҳасратали кишини кўрганда, у доимий ўзгаришдаги дунёнинг бебаҳолигига йиглаши лозим.

Хою хавасларга гирифтор кишини кўрганда, ҳаёт рўёларидан озод бўлишни ва ҳақиқий дили равшаникни қўлга киритшни кўнглига тугиши зарур.

Мазали таом еганда, меъёрни билиши, орзуистакларнинг камайишини ва тобеъликтан озод бўлишни тилаши керак.

Бемаза овқат еган пайтда, дунёвий эҳтирослардан абадий халос бўлишни тилаши зарур.

Чидаб бўлмас саратон иссигида у дунёвий эҳтирослардан жазирамасидан халос бўлишни ва салқин дили равшаник бошланишини тилаши жоиз.

Кишининг қаҳратон совугида у Буддонинг улуг ҳамдардлиги ҳароратини тилаши жоиз.

Ибодат қилган чогда, у Буддонинг ҳеч бир ўғитини унутмасликни ва уларни ҳаётга татбиқ этишини тилаши зарур.

Буддо ҳақида ўйлагандан, у Буддоники каби тийрак кўзларга молик бўлишни тилаши керак.

Тунда ухлаган вақтди, у жисмiga, тили ва фикрата ором, дилига тагин покланиш тилаши жоиз. Ўйгонгандан эса, у зехнининг барқ уриб очилишини

исташи керак, токи теварак-атрофдаги барча нарсаларни пайқай олсин.

6. Буддо таълимотига инонган киши барча нарсаларни ўз рангида кўради, яъни буюмларда моҳият йўқ деган таълимотни англайди, у ишга ва бошқа инсоний фаолиятига беписанд қарамайди, қандай бўлса, шундайлигича қабул қиласи, улардан дили равшанлик учун фойдаланади.

Янглишувларга тўла бўлагин учун, инсоният оламидаги ҳамма нарсани у номаъқул деб ўйламайди. Шунингдек, у дили равшанлик оламида ҳаммаси қойилмақом деб ҳам ўйламайди. Бу дунёда нимайики бўлса, у ҳаммасида дили равшанлик сари йўл излайди.

Агар оламга жоҳиллик зулмати билан қамашган кўз орқали қаралса, у бемаъни ва нотўғри кўринади. Агар оламга ақл-идрокнинг равшан кўзлари билан қаралса, удили равшанлик оламига айланади.

Оlamда бемаъни ва бамаъни буюмлар йўқ. Olamda яхши ва ёмон нарса ҳам йўқ. Faqatinson fikrati-gina ularni shu xilda ajratadi.

Агар бу фикрлардан фориг бўлиб, ҳамма нарсани ақл-идрок билан ёритилса, у ҳолда бари олижаноб маъно касб этади.

## Биродарлик мажбуриятлари

7. Буддо таълимотига инонган киши бу билан Буддога ҳам инонади. Ўзининг иймонли дили билан оламдаги жамийки нарсани асил деб қабул қиласди, ўзининг гамини емай, бошқаларга хизмат этади.

Зеро, Буддо таълимотига инонган киши таранг қилмайди, у камтарин, устида неки бўлса, кўтариб юрган ер каби унинг багри кенг, у ҳаммага, ҳамма нарсага хизмат қилишга тайёр, у ҳар қандай азоб-уқубатнги тортишга тайёр, у ялқовликни билмайди, барча бечора кишиларга яхшилик қилишга тайёр.

Нотавон дилли кишиларга нисабатан ҳамдардлик, одамларнинг дилини тўғри тарбиялаш учун, раҳмдил она бўлишга интилиш — бу, ўз ота-онасини эъзозландай, барча кишиларни ҳурматлаш истаги, улуг устоз қошида бош эгандек, улар олдида тиз чўкиш истагидир.

Хатто одамлар Буддо таълимотига инонган кишидан нафратланиб, унга озор етказмоқчи бўладилар, аммо, заҳар қанчалар кучли бўлмасин, улкан уммонни заҳарлай олмаганидек, бундай қилиш қўлларидан келмайди.

8. Буддо таълимотига инонган киши ўз баҳти ҳақида ўйлаб, ҳис этадики, Буддога эътиқоди, Буддо

құвватининг ўзи, унинг марҳаматидир, бас, у Буддога нисбатан шукроналик билан тұлиб-тошади.

Дунёвий әхтирослар балчиги эътиқод уруглари йүқ, илло Буддонинг раҳимдиллиги туфайли бу балчикқа эътиқод уруглари әқилиб, улардан Буддога инонгувчи дил униб чиқажак.

Биз боя құрсаттанимиздек, захарли эранда дарахтлари үсадиган ўрмонда хушбүй сандал дарахти (chanдана)лар күкара олмайды. Шу янглиг дунёвий әхтирослардан сұзона бұлған бағрида Буддога эътиқод уруглари униб чиқмайды.

Аммо, шунга қарамасдан, бағирда дунёвий әхтирослар билан бирга шодлик гули күкаради ва гуллайди. Бу гулнинг илдизлари инсон бағрида әмас, улар бошқа ерда. Улар Буддо бағрида.

Буддога инонгувчи мабодо харислик, кину кек ва нодонлик туфайли ўзини үйлаб қолса, бошқаларга ҳасад қиля бошлайди, адоварат билан уларга озор етказишга уринади. Илло Буддо даргоҳидан паноҳ топгач, Буддонинг юқорида айтилган улуг аъмолларини қиля бошлайди. Бу ҳақиқатан ҳам гаройиб.

## 2-БОБ ТУРМУШДА РАХБАРЛИК ҚИЛИШ

### 1. ОИЛАВИЙ БАХТ

1. Бахтсизлик ичдан содир бўлишни билмаслик ва у шарқдан ёхуд гарбдан келади деб ўйлаш — аҳмоклиқидир. Ичдан тузанмай туриб, ташқаридан химояланиш тўгри эмас.

Одамлар одатда эрта тонгда туриб, тишини тозалаб ювинадилар, олти томонга: гарб, шарқ, шимол, жаңубга, шунингдек, юқорига ва пастга юкунадилар, бахтсизлик келиши мумкин бўлган йўлларни кўриклияди ва кун эсон-омон ўтсин деб тилайдилар.

Буддо таълимоти бўйича эса бошқача йўл тутилади. Тўгри ҳақиқатнинг олти томонини улуғлаш, оқилона чора кўриб, яхши аъмоллар қилиш керак, шунда ўзни бахтсизлиқдан химоя қилиш мумкин.

Ҳақиқатнинг олти томонини саклаш учун, энг аввал, тўрт хил қиликнинг балчигидан халос бўлиш, дилнинг тўрт хил ярамас палласини йўқотиш ва уйни хонавайронликка олиб борувчи олти йўлни бекитиш керак.

Тўрт хил қилиқ балчиги — бу тирик жонзотларни ўлдириш, ўғирлик, бевафолик ва ёлгон.

Дилнинг тўрт разил палласи — бу харислик, кину кек, нодонлик ва қўрқув.

Уйни хонавайрон бўлишга олиб келувчи олти йўл — бу ичкилик-бозлик, кечаси алламаҳалгача кўнгил очиш, мусиқа ва тамошага берилиш, қимор ўйнаш, ёмон улфатлар орттириш ва меҳнатдан қочиш.

Тўрт хил қилиқ балчигидан соқит бўлиб, дилнинг тўрт разил палласини тўхтатиб, уйни барбод бўлишга олиб борувчи йўлларини бекитгач, ҳақиқатнинг олти томонига юкунмоқ керак.

Ҳақиқатнинг олти томони — бу шарқда — ота-она ва болалар йўли, жанубда — устоз ва шогирдлар йўли, гарбда — эру хотинлар йўли, шимолда — ёру дўстлар йўли, пастда — хўжайин ва хизматкорлар йўли, юқорида — Буддо таълимотига инонгувчилар йўли.

Энг аввал, ота-она ва болалар йўлини саклаш керак. Бу болаларнинг беш мажбуриятини : ота-онага хизмат қилиш, уйда уларга ёрдам бериш, насл-насабни қадрлаш, меросни асраш, ота-она ўлимидан сўнг уларнинг жаноза маросимиини батартиб ўtkазишни англаатади.

Ота-оналар ҳам болаларига муносабатда беш мажбuriятни бажариш лозим: ёмонликка чек қўйиб, болаларни яхшиликка ўргатиш, яхши тарбия бериши, уларга яхши жуфт топиши ва ўнг келганда, уй мерос қолдириш лозим. Агар ота-оналар ва болалар ўз мажбuriятларини адо этсалар, оиласда тинчлик ва хотиржамлик бўлади, ота-она ва болалар ўртасида низо бўлмайди.

Устоз ва шогирдларнинг йўли — жануб шуки, шогирдлар устозларини тик туриб кутиб олиши, астойдил хизматида бўлиб, буйрайқларига сўзсиз бўйсуниши, унга назр-ниёз қилиши, унинг таъломатига дикқат билан қулоқ солиши зарур.

Айни пайтда устоз ҳам ўзини тўғри тутиши, ўзи нимага ўрганган бўлса, шогирдларни ҳам шунга ўргатиши, тўғри ваъз айтиши лозим, шогирдалрининг шухрат қозониши учун қайгуриши ва уларни ҳар бобда химоя қилиш даркор. Шунда устоз ва шогирдлар аро муносабат ҳавас қилгудай бўлади.

Фарбий йўлда эру — хотинлар-эр ўз хотининиг ҳурматлаши, у билан хушфеъл бўлиши ва вафони асрashi даркор. Барча хўжалик ишларини унга ишониши, баъзида зебу зийнат сўниши лозим. Хотин эса

эр учун уйни саришта тутиши, чўрига яхши муомала қилиши, вафони асрashi, эрнинг даромадларини соvuриб ташламаслиги ва хўжалик ишларини яхши бошқариши керак. Шунда эру хотин ахил бўлади, гинахонлик бўлмайди.

Ёру дўстларнинг шимолий йўлида дўст дўстни йўлаши, дўст дўстга марҳаматли бўлиши, ўзаро манфаатдорликни кўзлаши ва бир-бирига нисбатан меҳрибон бўлиши керак.

Дўстнинг ёмон йўлга кирмаслигига пойидам бўлиши, агар у ёмон йўлга киргудай бўлса, уни на-зардан қочирмаслиги, дўст қийналиб қолганда, мас-лагат билан кўмак бериши, фалокатга учраганда, ёрдам қўлини чўзиши керак, агар зарурат тугилса, унинг хотин ва болаларига ғамхўрлик қилиши керак. Ана шунда дўстлар ўртасидаги алоқа мус-таҳкамланиб, улар баҳтли бўладилар.

Пастга кетган йўлда, хўжайин ва хизматкор йўлида хўжайин беш мажбуриятни бажариши даркор. Хизматкорнинг кучига яраша иш берсин. Унга яхши ҳақ ътўласин. Касал бўлса, жон куйдириб парвариш қилсин. Барча камёб буюмларни хизматкор билан баҳам кўрсин. Вылакти-вақти билан унга дам бериб турсин.

Хизматкорлар ҳам ўз томонидан беш мажбуриятга риоя қилсинлар. Эрталаб қўжайинидан эртароқ турсин, кечқурун эса хўжайинидан кечроқ ёт-

Турмушда раҳбарлик қилиш

син. Ҳалол бўлсин, ишини яхши билсин. Шунингдек, қандай бўлмасин, хўжайнинг номига дод туширмасин. Шунда хўжайин билан хизматкор ўртасида чигаллик бўлмайди, улар тинчлик ва ахилликда яшайдилар.

Буддо таълимотига инонган кишининг оиласида ҳам унга риоя қилинсин. Таълимотни тарғиб қилгандарида, тингловчи усторзга ихлос хиси билан қулоқ оссин. Бундай хисга унинг жисми, оғзи ва дили тўлиб-тошсин. У устозини одоб билан кутиб олсин, таълимотга сидқидилдан эргашсин ва унга эҳсонлик қилсин.

Буддо таълимотини тарғиб қилувчи устоз эса, ўз томонидан, таълимотни яхши тушуниши, ёмонлик билан ётлашиши, яхшиликка ўргатиши, тўгри йўлни тарғиб қилиши керак, ўз шогирдарини шундай етакласинки, натижадла, улар дили бегамлик топсин. Шунда бутун оила, таълимотни эъзозшлаб, шу йўлдан боради. Бас, оиласида баҳт қарор топади.

Олти томонга юкуниш — бало-қазодан қочиш учун олти томонга сифиниш демакдир.

2. Инсон ўз ёру дўстларини фарқлай билсин: ким бъилян дўстлашса бўлади ва ким билан дўстлашиб бўлмайди.

Хушаматчи ва шириң тиллик одамлар билан, ах-моқлар билан дўстлашишга бўлмайди, исрафхўр одам билан ҳам дўстлашишга бўлмайди.

Шундай киши билан дўстлашиши керакки, оғир пайтда сенга ёрдамга тайёр бўлсин, фойдали маслагатларини аямай, сен билан қувонч-қайгуни багам кўришга тайёр бўлсин ва чуқур ҳамдардлиги билан ажralиб турсин.

Тўгри йўлдан тоймасин деб, пойидам бўлса, сен учун ҳавотирланса, мусибатда сенга таскин берса, зарур пайтда кўмак бериш учун ўзини аямаса, сирингни бекитса ва ҳар доим тўгри маслаҳат берса, шундай киши билан дўстлашиш, унга хизмат қилиш керак.

Бундай дўст топиш осон эмас, ўзинг ҳам шундай дўст бўлишга харакат қил. Яхши одам ўзининг тўгри хатти ў ҳаракатлари туфайли яқинлари учун қуёшга айланади.

3. Ота-она олдидағи улуг бурчни ҳеч нима билан тўлаб бўлмайди. Ҳатто отани ўнг, онани чап елкада юз йил кўтариб юрса ҳам, тўлаб бўлмайди.

Ҳатто атир тўла тогорада юз йил кечаю қундуз чўмилтирса ҳам, ҳаттол баркамол ўғилдай ҳар

Турмушда раҳбарлик қилиш

жихатдан меҳрибончилик қилса ҳам, ҳатто агар таҳтга ўтказиб, мумкин қадар зебу зийнатга кўмиб ташласа ҳам, буюк бурчни ўтай олмайди.

Бироқ сен шундай қилки, улар Буддо таълимотига инонсин, хато йўлни ташлаб, тўгри йўлга ўтсин, очкўзлиқдан тониб, очик қўл билан эҳсон қилсин, шунда буюк бурчни адо этган бўласан. Шунда, эҳтимол, бу буюк бурч адосидан аълороқ бўлар.

Болалар ота-онани ҳурматлаб ардоқлаган уйда Буддо ва тангри мавжуд.

4. Айникса, оиласа дил дилдан сув ичади, зеро, агар оила аҳил бўлса, у гуллаб яшнаган боғдай гўзалдир. Лекин гар диллар мароми бузилса, гавго бошланади, оила бузилади.

У ҳолда ўзгаларни айбламай, ўз дилинг ва тўгри йўлдан бориш гамини е.

5. Қадимда бир мустаҳкам иймонли йигит яшаган экан. Отаси ўлгач, онаси икковлон яшай бошлабди. Улар бир-бирини севар ва яхши яшар эдилар. Тез орада ўгил уйланибди, энди учовлон яшайдиган бўлти.

Бошда ҳаммаси ўз йўригида борибди, улар баҳтиёр эдилар. Аммо бир кун арзимаган нарсадан қайнона ва келин ўртасида англапшилмовчилик пайдо бўлибди. Жанжал бошланибди, у асти босилмабди. Ва ниҳоят, кекса она чидамабди, ёшларни ташлаб уйдан кетибди.

Она кетгандан кейин, ёш келин ўгил туғибди. Гап тарқабдики. қайнонаси билан бирга яшаган вактда, у мени хўрлар эди, шундан бола кўрмаган эдим, у уйдан кетгач, мана менга худо фаразнӣ берди, - деб келин ҳасрат қилган эмиш. Бу миш-миш ёлғиз яшаётган қайнонанинг қулогига етибди.

Қайнона газабдан хитоб қилибди: “Дунёда адолат йўқ. Онани ҳайдаб чиқарган келинга худо фарзанд берибдими, бас, адолатнинг оёги осмондан кепти.”

“Бу хил адолатни кўммоқ керак” - ох урибди телбаланган она ўзини гўристонга ташлабди.

Бундан хабар топган тангри унинг рўпарасида пайдо бўлибди. Ундан сўраб-суриштирибди ва насиҳат қила бошлабди, илло кампир унга қулоқ солмабди.

Шунда тангри унга дебди: “Яхши. Кел, бўлмаса,

Турмушда раҳбарлик қилиш

ёмон кўрган келининг билан неварангни кўйдириб ташлайин. Сен хурсанд бўласанми?”

Тангрининг бу сўзларидан қайнона ўзига келибди, ноҳақлигини англабди, гунохига тавба қилибди ва тангридан келини билан неварасининг ҳаётини сақлаб қолишини сўрабди. Ў гил билан келин ҳам чоққача янглишибюрганини тушунибди. Улар она томон йўл олибди ва уни қабристон йўлида учратибдилар. Тангри қайнона билан келинни яраштирибди ва оиласа тинчлик-тотувлик қайтибди.

Агар адолатдан тонмасанг, таълимот абадий нобуд бўлмайди. Таълимот яшашдан тўхтагани учун йўқолмайди, балки инсон адолатни унутганидан йўқолади.

Аслида, дилнинг дил билан келиша олмаслиги даҳшатли оғатга мубтало қиласди. Ҳатто кичкина англашилмовчилик ўз ортидан катта фалокатни бошлаб келади. Оилавий ҳаётда ҳаммадане кўпроқ айни шундан эҳтиёт бўлиши керак.

6. Ўз рўзгорини тебратмоқ учун, инсон чумолидай ё асалариdek ишлап керак. У бошқаларга ишонмасин, эҳсон кутиб ўтирасин.

Ишлаб топилган бойликни фақат ўзимники деб хисоблаб, ўзи учун сарфлаш ярамайди. Бир қисмини

бошқа одамларга бериб, бир қисмини қора кунга қолдириш керак. Агар у давлат, жамият ёки Буддо таълимоти фойдасига кеттган бўлса, суйиниш керак.

Дунёдаги ҳеч бир нарса “ўзингники” эмас. Неки бўлса. Мавжуд аҳвол туфайли сенинг қўлингта тушади, сен уларни фақат вактинча фойдаланишга оласан. Шунинг учун ҳамма нарсага нисбатан нихоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўл.

7. Шоҳ Удаянанинг рафиқаси Сямавати эҳсонга 500 лиbos олиб келганда, Ананда бу эҳсонни бажонудил қабул қилиб олади.

Бундан хабар топган шоҳ, эҳтимол, Ананда эҳсонни очкўзлиқдан қабул қилиб олгандир деб ўйлади. Ананда ҳузурига боради ва ундан сўрайди:

“Ҳазрати олийлари, бирданига 500 кийимни олиб нима қиласан?”

Ананда унга жавоб беради: “Шоҳ, аксарият роҳиблари жулдур кийимда юришибди. Мен уларга янги лиbos бермоқчиман.” “Ечиб ташланган кийимларни-чи, қаерга қўясан?” “Ечиб ташланган кийимлардан чойшаб тикамиз.” “Эски чойшабларни-чи, қаерга жойлайсан?” “Улардан таг тўшаклар тика-

Турмушда раҳбарлик қилиш

миз.” “Эски таг тұшакларни-чи?” “Улардан оёқни артмоқ учун тушама ясаймиз.” “Эски тушамаларни нима қиласан?” “Улар билан латта сифатида оёқ остини артамиз.” “Эски латталарни-чи?” “Шох, эски латталарни паррон-паррон қилиб лойга құшамиз. Үй құрганимизда, бу лойдан девор тиклаймиз.”

Буюмларга нисбатан әхтиёткорлик билан мunoса-  
батда бўлиш керак. Уларни ўз ўрнида исплатиш ке-  
рак. “Ўзимизники” бўлмаган, балки бизга вақтинча  
берилган буюмлардан шундай фойдаланмоқ керак.

## 2. АЁЛЛАРНИНГ ТУРМУШИ

1. Аёллар тўрт хил тоифада бўлади. Биринчи тоифадаги аёллар арзимаган нарсадан ач-  
чиқланадилар, улар очкўз, инжик: бировнинг бахтига  
хасад билан қарайди ва хайр-эҳсон қилмайдилар.

Иккинчи тоифадаги аёллар дам-бадам аччиқла-  
надилар: инжик ва очкўз, аммо бировнинг бахтига  
хасад қилмайди ва хайр-эҳсон қиладилар.

Учинчи тоифадаги аёлларнинг кўнгли кенг, у  
қадар аччиқланмайдилар. Инжик эмас, ўз истакла-

рини тия биладилар, бироқ бошқаларга ҳасад қиласы  
ва хайр-эхсон қилмайдилар.

Тұртингчи тоиғадаги аёлларнинг бағри кенг, жеч  
қаған оның аччиқланмайдилар, үз истакларини тиядилар  
ва ҳамиша хотиржам. Бошларга ҳасадланмай ва  
хайр-эхсон қиласы.

2. Қиз бола күёвга чиқар әкан, қуийдагиларни  
унутмаслиги керак. Күёвнинг ота-онасина  
хурматлаши ва уларга хизмат қилиши керак. Үйлаш  
керакки, әрнинг ота-онаси ёшларнинг манбаатини  
күзлайды ва уларнинг оқыл ҳимоячилари дидир, шунинг  
учун уларга миннатдорчилік ҳиси билан хизматта  
бўлиш ва доимо мадад бермоққа ҳаракат қилиш ке-  
рак.

Эрнинг устози унга муқаддас таълимотдан таълим  
берган, шунинг учун хотин ҳам хурматлаб унга бош  
эгиши лозим. Чунки инсон маънавий устозсиз яшай  
олмайди.

Эрнинг касбу-корини идрок қилиб, унга ёрдам бе-  
риш учун, хотин ўқиши ва ўзича билим олиш билан  
шугулланиши лозим. Эрнинг ишига бегона кишининг  
ишига қарагандай бефарқ муносабатда бўлиш яра-  
майди.

Эрга тобеъ ёки иш юзасидан у билан алоқада  
бўлувчи кишиларнинг феъл-атвори, лаёқат ва таъни-  
дан воқиф бўлиб, уларга яхши муомала қилиши ке-  
рак. Эрнинг даромадларига эҳтиёткорлик билан ён-  
дашиши, ўзига ортиқча пул сарфламаслиги даркор.

3. Эру хотин муносабати факат қулайлик маъносида ўрнатилган эмас, улар бир уйда яшагани учун ҳам эмас. Эру хотин муқаддас таълимотга кўра ўз дилларини камол топдириши лозим.

Ўз вақтида бекаму кўст жуфт намунаси сифатида бошқаларга ўрнак бўлган эру хотин бир куни Ҳазратнинг даргохига келди ва Унга қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: “Ҳазрат, биз бир-би-римиз билан болаликдан танишмиз, вояга етгач эса, бош қўшдик. Шу чокқача хиёнат қилиш хаёлимизга ҳам келган эмас. Биз бу дунёда қандай яшаган бўлсак, у дунёда ҳам шундай бир-биримизни суйиб яшамоқчимиз. Айт, бу орзийимизнинг рўёбга чиқиши учун, биз нима қилишимиз керак?” Ҳазрат уларга жавоб берди: “У ҳолда сиз бир эътиқодга иономогингиз керак. Башарти, таълимотга биргаликда эргашсангиз. Биргаликда дилингизни камол топдира-сиз, биргаликда хайр-эҳсон қиласиз, биргаликда ақл-идрок эгаси бўласиз, у дунёда ҳам бир дил билан яшай оласиз.”

4. Бой савдогар Анатҳапиннаднинг тўнгич ўғлига эрга теккан Суджата калондимог аёл эди. У ҳеч кимни ҳурматламас, ота-она ва эрининг амрига улоқ солмас, шу туфайли оиласда ноиттифоқлик ҳукмрон эди.

Бир куни Ҳазрат бой савдогарнинг олдига кириб қолди ва оиланинг ахволидан огоҳ бўлди. У ёш бекач Суджатани ўз олдига чақирди ва унга деди: “Суджата, дунёда етти тоифа аёл бор. Биринчи тоифа — қотил сингари хотинлар. Манфур дилли бўлиб, улар ўз эрини ҳурматламайди, севмайди, эрига вафо-сизлик қиласи ва охири бошқа эркак олдига қочиб кетади.

Иккинчи тоифа — булар ўгри сингари хотинлар. Улар эрининг қасбу корини тушунмайди, факат ўз манманлигини қондиришни ўйлайди, ўзини тўйдириш учун эрининг даромадларини совуради ва бу билан ўз эрини шилади.

Учинчи тоифа — бу хотинлар худди хўжайинларджеқ. Улар уй-рўзгор ишларини қилмайдилар, дангаса ва факат ўз эҳтиёжини қондириш билан овора, ордамлар билан муомалада дилозори ва доимо эрини сўқади.

Тўртинчи тоифа — бу она сингари хотинлар. Улар эрини мунис эркаловларга кўмиб ташлайдилар, гўдагини ҳимоя қилгандек, эрини ҳимоя қиласи, эрининг даромадларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар.

Бешинчи тоифа — синшигиллар сингари хотинлар. Улар эрига астойдил хизмат қиласи, шундай меҳр билан хизмат қиласиди, сингил ўз опаларига шудай муомала қилиши мумкин, улар камтар ва сабртоқатли.

Турмушда раҳбарлик қилиш

Олтинчи тоифа — дўст сингари хотинлар. Қадрдон дўсти билан кўп йилдан кейин дийдор кўришгандек, эрига ҳамиша курсанд боқади. Улар ўзини яхши тулади, мулоим, эрини ҳурматлайдилар.

Еттинчи тоифа — чўри сингари хотинлар. Улар сидқидилдан хизмат қиласи, уни ҳурматламайдилар. Унинг амру фармонига эътиrozсиз бўйинсуна дилар, аччиқланмайди ва аразламайдилар, улар ҳамма нарсани азбаройи эрининг баҳтиёрги учун қиласидилар.

Суджата, сен бу етти тоифадаги хотинларнинг қайси биридан бўлмоқчисан?”

Бу сўзлардан сўнг Суджата мулзам бўлди, тавбатазарру қилди ва чўри каби хтин бўлишга, ҳар бобда эрига ёрдам беришга ва у билан бирга Буддо таълимомтига эргашишга ваъда қилди.

5. Амрапали Вайсалида бой ва машхур сатанг аёл бўлиб, қўлида кўплаб ёш ва гўзал фохишаларни сақлар эди. Бир куни у дуруст таълим олгани Буддо даргоҳига келди.

Ҳазрат унга деди: “Амрапали, аёллар дили тинчи ни осон йўқотади ва осон хато қиласи. Аёл — очкўз бўлгани учун. Зикналик ва бошқаларга ҳасад қиласи. Эркакка қиёсан дили равшанлик йўлида унга тўсиклар кўп.

Айниқса, аёл киши агар ёш ва гўзал бўлса, бу йўлдан олдинга силжиши қийинроқ. У бу йўлдан, бойлик ва севги тушовларидан голиб келиб юрмоги керак.

Амрапали, аёлларни йўлдан урувчи бойлик ва севги доимий мулк эмас. Фақат дили равшанлик йўли доимий мулк бўладжи. Кучли одам ҳам касаллик олдида ожиз, ёш одам қарийди, ҳаётъга ўлим хавф солади. Баъзида суйимли кишидан ҳам ажralишга тўғри келади, баъзида ёқтиргмаган кипинг билан улфатчилик қилиб қоласан. Инсоннинг орзу-истаклари доим ҳам ушалавермайди. Бу дунё шундай тузилган.

Зоро, бу дунёда факат дили равшанлик сари йўлгина посбонинг бўлиши мумкин. Дили равшанлик сари шошилмоқ керак.”

Бу насиратни тинглаб, у Буддонинг шогирдига айланди ва буддо жамоасига гўзал bog эхсон қилди.

6. Дили равшанлик йўлида эркагу аёл аро фарқ йўқ. Аёл агар дили равшанлик излашта жазм қилса, у ҳам дили равшанлик йўлининг йўловчиси бўлиши мумкин.

Шоҳ Прасенаджитнинг қизи ва шоҳ Айодҳиянинг хотини Маллика дили равшанлик йўлининг йўловчиси эди, у Ҳазратнинг таълимотидан паноҳ топди ва Ҳазрат қошида қўйидаги ўн қасамёдни қабул қилди:

“Ҳазрат, шу бугундан эътиборан дили равшанлик-ка эришмагунимча, мен, биринчидан, муқаддас ўгитларни бузмайман. Иккинчидан, ўзимдан катталарап олдида димогдор бўлмайман. Учинчидан, ҳеч кимга аччиқ қилмайман. Тўртингидан, бирорларнинг зоҳири ва буюмларига сукланмайман. Бешинчидан, ўз дилимни ҳам, буюмларимни ҳам қизгонмайман. Олтинчидан, ўзим учун буюм сакламайман, уни қашшоқ кишилар билан баҳам кўраман, токи улар баҳтли бўлсинлар. Еттингидан, қурбонлик қиласман, ҳаммага илтифотли бўламан, бошқаларга нафи тесса, ҳамма нарсани баҳам кўраман, бирорларни ўз ўрнимга қўйиб, улар ҳақида ўйлайман. Буларнинг ҳаммасини ўзим учун эмас, балки бегараз ва қингир ўйларсиз бошқалар учун қиласман. Саккизингидан. Агар ёлгиз киши ёки қамоқда ўтирган кимсани, ёки бемор, ёки бошқа жабр тортаётган кишиларни кўрсам, дардини енгиллатиш учун, халос этиш умидида уларга ҳақиқатни ўргатаман. Тўққизингидан, башарти. Тирик жоноворни ушлаб олган ёки уни асоратда саклаётган кишини кўрсам, агар турли ўгитларни бузувчи кишини кўрсам, қуцрбим етгани-

ча, кимни жазолаш керак бўлса, жазолайман, кимни ўқитиши керак бўлса, ўқитаман, токи улар бу хил ёмон аъмолларни тўхтатсинлар. Учинчидан, тўгри таълимотни тинглашни унутмайман, чунки тўгри таълимотни унугтган киши ҳар бир буюмда яширин ҳаққоний таълимотдан узоклашиб кетади ва дили равшанлик соҳилга ета олмайди.

Айниқса, ушбу бебаҳт кишиларни қутқазиш учун, уч истагим бор. Биринчидан, истар эдимки, ҳамма хотиржамлик топсин. Бу олижаноб истак туфайли аминманки, ўлимдан сўнг менга қандай ҳаёт насиб қиласа ҳам, тўгри таълимот ақл-идрокини эгаллайман.

Иккинчидан, мен тўгри таълимот ақл-идрокини эгаллагач, кучимни аямай, бошқа кишиларни ўқитаман.

Учинчидан, тўгри таълимотни ҳимоя қилмоқ учун, мен жисмим, ҳаётим ва бутун мол-мулкимни қурбон қилмоққа тайёрман.

Оиланинг асил аҳамияти шундаки, дили равшанлик йўлидан оилавий тарзда биргалашиб бормоқдир. Аёл ҳам, агар у ушбу йўлдан боришни орзуласа, Маллика каби улуг ниятларга молик бўлса, Буддонаинг улуг шогирдига айланажак.

### 3. ҲАММА УЧУН

1. Етти хил йўриқ давлатнинг гуллаб-яшнашини таъминлайди. Биринчи — халқ сиёсий масалалрни мухокама қилиш учун тез-тез йигилиб туриши, ўз мамлакатини астойдил қўриқлаши лозим.

Иккинчи — барча ижтимоий қатламлардаги кишилар аҳил яшаб, давлат ишларини биргаликда мухокама қилиши лозим.

Учинчи — қадимий урф-одатларни ҳурматлаш ва уларни сабабсиз ўзгартирмаслик, хушфөйллик ва бурч қоидаларини сақлаш керак.

Тўртинчи — жинсий ва ёшдаги фарқни тан олиш, жамият оиласидаги покизаликни қўллаб-қувватлаш керак.

Бешинчи — ота-онани ардоклаш, устоз ва катталарни ҳурматлаш керак.

Олтинчи — ота-боболарни эъзозлаш, меҳроб олдида дуо ўқиб хотирлаш ва ҳар йили улар қабрини зиёрат қилиш керак.

Еттинчи — ижтимоий ахлоқни сақлаш, эзгу атъмолларни қадрлаш, кори хайрли устозга эргашиш ва унга хайр-эҳсон қилиш керак.

Агар ушбу етти хил йўриққа астойдил риоя

қилинса, ҳар қандай давлат муқаррар равнақ топади ва бошқа давлатларга ҳурматли бўлади.

2. Қадим замонларда ўз мамлакатини яхши бошқарувчи шоҳ яшаган экан. Ақл-заковати учун уни Буюк Ёғду деб аташар экан. Ўзининг идора таъмийилларини шарҳлаб шундай деган экан:

“Мамлакатни идора қилишдан аввал, ўз дилингни назоратта олмоғинг керак. Ўз халқингга меҳру шафқат билан муносабатда бўлмоғинг, одамларнинг дилини залолатдан тозалаб, таълим бермоқ учун етаклаш керак. Одамларга тўгри таълим бермоқ керакки, улар ҳам жисмонан, ҳам қалбан таскин топсинлар ва оламда бу таълимотдан кўра яхшироқ ҳеч нарса йўқлигини тушунсинлар.

Мабодо бечора келса, хазина эшикларини унга очиб қўйиш ва нимани хоҳласа, шуни олмоққа изн бермоқ керак. Шу билан унга таъсир қилмоқ керакки, токи у барча қабоҳатлардан узоқлашсин.

Ҳар бир киши дилининг қай аҳволда экани билан боғлиқ ҳолда буюмларни ҳар хил кўради. Ҳатто пойтахт кишилари ўз шахрига турлича қарайдилар. Бирорвлари уни чиройли деса, бирлари-чи — йўқ. Бу ҳаммаси улар дилининг аҳволига ва атрофдаги вазиятга боғлиқ.

Таълимотни ҳурматлагувчи инсон тўгри ва ростгўй дил билан оддий дараҳтда ҳам, тошда ҳам чиройли

Турмушда раҳбарлик қилиш

мовий тусни күради. Дилинин назоратта олишга ҳаракат қылмаган бахил кишига ҳатто дангиллама сарой ҳам чиройли күринмайди.

Айни шу каби ҳол халқнинг кундалик турмушидаги ҳам бўлиб туради. Энг асосийси — бу дил, шунинг учун мамлакатни идора қилишда мен халқ дилинин камол топдиришни асосий иш деб хисоблайман.”

3. Шоҳ Буюк Ёғду айтганидек, мамлакатни идора қилишда асосий гарса шуки, халқ ўз дилинин барка-моллаштиурсин.

Дилни камол топдириш — бу дили равшанлик йўлидан бориш демакдир. Бас, щекшунинг учун мамлакатни бошқарувчи киши, энг аввал, Буддо таълимотига иймон келтириш лозим.

Агар мамлакатни бошқарувчи Буддога, Унинг таълимотига ионсса, раҳмдил ва яхши аъмолли кишиларни хурматласа, уларга хайрсадақа қилса, унинг душмани бўлмайди, ҳеч, ким унга қарши кек сақламайди, давлати муқаррар гуллаб-яшнайди.

Агарда давлат гуллаб-яшнаса, бошқа давлатларни фатҳ этишга зарурат қолмайди, бошқа давлатлар би

лан уришмоқ учун қурол-аслаҳалар кераксиз бўлиб қолади.

Натижада, халқ баҳтиёр ва фаровон яшайди, барча табақалар тинч, аҳилликда яшайди, яхшилик ва яхши аъмоллар ривож топади, одамлар бир-бирини ҳурматлайди ва севадилар. Одамлар камол топади, иқлим яхши бўлади, кескин срвуқ ва жазирама иссиқ бўлмайди, қуёш ҳам, ой ҳам, юлдузлар ҳам доимо порлайди, ёмғир ва шамоллар ўз вактида, мӯттадил бўлади, табиий оғатлар юз бермайди.

4. Шоҳнинг бурчи — ўз халқини ҳимоя қилмоқдир. Шоҳ халқ учун ота-она мақомида, яъни уни ўз қонунлари билан ҳимоя қиласди. У ўз халқига, ота-она гўдагига нисбатан қандай қилса, шундай муносабатда бўлмоги керак. Ота-она гўдакнинг йиглашини кутмасдан, унинг йўргагини янгилаши керак, шоҳ ҳам шу тариқа ўз халқининг баҳт-толеъни юзасидан ғамхўрлик қилиши ва уни азоб-аламлардан халос этмоғи керак. Шоҳ учун халқ-салтанатнинг туман бойлигидир. Негаки, халқсиз салтанат йўқ. Халқ фаровон яшаса, салтанат құдратли ва мустаҳкам бўлади.

Шоҳ ўз халқи ҳақида муттасил ғамхўрлик қилмоғи керак. У халқнинг бутун қувонч-

ташвишларини кўриб турмоги ва равнақи учун қайгурмоги лозим. Бунинг учун эса сув, шамол, ёмғир-ҳамма нарсани билмоги, зироат, қургоқчиликни олдиндан кўрмоги, халқнинг ташвиш ва қувончларини билиш лозим, жиноят ва хизматлар юзасидан аниқ маълумот олмоги керак. Жиноятчиларни жиноятига яраша жазолаши, тақдирга сазоворларни мукофотлаши лозим.

Шоҳ халқини яхши билмоги керак. Халққа бердиси бўлса, вактида бергани яхши. Ундан оладиган бўлса, ўлчови билан олсин. Халқни таламасин, солиқлар катта бўлмасин. Шунда халқ фаровон яшайди.

Шоҳ ўз құдрати ва ҳокимияти билан халқни мудофаа қиласи. Баайни ўзига қайғургандек, халқ ҳақида қайғурса, у мухаққақ шоҳдир.

5. Шоҳлар шоҳи — Ҳақиқат шоҳидир. У ҳаққоний ва донгдор шажарарадандир. У на факат етти иқлимини бошқаради, балки таълимотни ҳам улуглайди.

Мазкур шоҳ қаерга борса, можаро, ранжу алам тўхтайди. У ҳақиқат құдрати билан эзгу аъмоллар қиласи. Халққа тинчлик ва маъмурчилик олиб келади, ёмонликни таг-томири билан йўқотади.

Ҳақиқат шоҳи на ўлдиради, на ўғирлайди, на хиё

нат қиласы, на алдайды, гийбат, икки юзламачилик қилмайды, бежиз вайсамайды, очкүзликни билмайды, кину кек сақламайды, у доно. Бу ўн хил атмол билан халқдаги ўн иллатнинг илдизини құритади.

Хақиқат қудрати билан ҳукм юргизгани учун ҳам, у құдратлидир. У бор жойда уруш йўқ, ранжу алам йўқ, одамлар бир-бири билан жанжаллашмайдилар. Оқибатда, халқ хотиржам, салтанат устивор. Халқ ҳаётдан роҳат топади. Шунинг учун ҳам уни Хақиқат шохи дейдилар.

Демак, Хақиқат шохи — шоҳлар шохи, барча шоҳлар унинг аъмолларидан мамнун, ундан ибрат олиб, ўз мамлакатини идора қиласылар.

Бас, Хақиқат шохи — барча шоҳларнинг посбонидир, у туфайли шоҳлар ўз мамлакатини Буддо таълимотига монанд идора қиласылар.

6. Жиноятларни текширад экан, шоҳ ишга раҳмдиллик ва ҳамдардлик билан муносабатда бўлиши керак. Ҳамма нарсага ўзининг порлоқ идро-ки билан зехн солиб, беш тамойилни дастурул-амал қилиб олмоги керак. Бу қўйидаги тамойиллар.

Биринчи — у ҳақиқиятта асосланиши керак. Аёлларнинг ҳақиқий вазиятини тиклаши ва ана шу воқелик асосида ҳукм чиқариши шарт.

Иккинчи — шоҳ ўз кучида экан, жазо чораси

Турмушда раҳбарлик қилиш

күриши керак. Агар шоҳ ўз кучида бўлса, жазо ибрат бўлади. Агар шоҳ ўз маснадида бўлмаса, жазо фақат алгов-далгов келтириб чиқаради. Шунинг учун шоҳ токи қудратини қўлга киритгунича, кутиши керак.

Учинчи — натижалар бўйича эмас, жиноятни юзага келтирган сабабларга қараб хукм чиқармоқ керак. Жиноятчининг дилига назар ташлаш ва жиноятни қасдан қилдими ёки қасдан эмасми,— аниқлаш зарур. Агар қасдан бўлмаса, уни авф этишга тўгри келади.

Тўртинчи — жиноятчига мулойим муомала қилиш зарур, кўрслик қилиш асло мумкин эмас. Бу жиноятчи қандай қонунни бузганини аниқлаш ва керагидан ортиқ жазолаб қўймаслик учун зарур. Бундан ташқари, яхши ва эркаловчи сўзлар билан жиноятчининг қалбига йўл топиш керак, токи у қилган жиноятига тавба қилсин.

Бешинчи жиноятчига нафрат билан эмас, раҳмдиллик ва ҳамдардлик билан муносабатда бўлмоқ керак. Жиноятдан нафрлатлиниш инсондан нафрлатлиниш эмас-ку. Жиноятчининг жинояти учун тавба қилишида раҳмдиллик ва ҳамдардлик албатта зарур.

7. Агар такаббур вазир, давлат манфаатини унубтиб, фақат ўзининг шахсий манфаати хусусида ўйлаб

қолса, пора олса, ўз амалини сустеъмол қиласа, бу билан ижтимоий ахлоқни бузса, одамлар бир-бирини алдай бошлайдилар, кучлилар ожизларни эзади, асилзодалар хокисорлардан жирканадилар, боёнлар қашшоқларни алдайди, натижада, адолат қолмайди. Бало-оғатлар кўпаяди ва кучаяди.

У вактда ишончли вазирлар ишдан четлаштирилди, ҳалол кишилар, ўз ҳаётидан хавфсираб, сукут сақлайдилар. Фақат икки юзламачилар мухим лавозимларни эгаллайди ва амалинисустеъмол қилиб бойишга уринадилар. Халқ эса тобора камбагаллашиб боради.

Ишлар бу ахволда бўлса, шоҳ фармонлари бебурд бўлади, унинг ҳокимияти заифлашади.

Бундай жиноятчилар халқни баҳт-саодатдан маҳрум қиласди, зеро, улар давлатнинг душманларидир. Улар юқори лавозимдагиларни алдайди, қуийдагиларни айнитадилар, улар қазои давлат манбаъи бўлиб хизмат қиласди. Шоҳ, айниқса, бу хил жиноятларни қаттиқ жазолаши керак.

Шоҳ муқаддас таълимотга биноан адолатли қонунлар бўйича идора қилаётган мамлакатда ота-онасини қадрламайдиган, фақат ўз оиласи ҳақида қайгуриб, ота-онасига ёки улардан юлиб, гшапига кирмайдиган одамлар бўлса, бадтаринлар қаторига қўшиш керак.

Зеро, ота-она олдидаги қарз шунчалик каттаки, фарзандлар уни ҳеч нарса билан қайтара олмайдилар. Ўз хожасига содик бўлмаган ва ота-онасини қадрламайдиган жиноятчиларни аёвсиз жазолаш керак.

Шоҳ мұқаддас таълимотга биноан адолатли қонуналар бўйича идора қилаётган мамлакатда у жавҳари шарифга — яъни Буддога, унинг таълимотига ва буддо жамоасига инонмайдиган, эхромларни вайрон этадиган ва дуоларни куйдирадиган, роҳибларни тутиб, қувгин қиласидиган, шунингдек, Буддо таълимотини ҳар йўл билан бузадиган кишилар бўлса, улар энг машъум жиноятчилардир.

Чунки бундай хатти-ҳаракатлар халқнинг барча хайрли ишларига асос бўлган эътиқодига путур етказади. Барча яхши ниятларни барбод қиласиди ва ўзига ўзи гўр қазади.

Бу учаласи энг оғир жиноятдир, бас, жиноятларни қаттиқ йўсинда жазолаш керак. Бу уч жиноятта қараганда, бошқа ҳаммаси аҳамиятсизdir.

8. Шоҳ мұқаддас таълимотга биноан идора қилаётган мамлакатда унга қарши фитна уюштирилса ёки ташқи душман унга ҳужум қиласа, шоҳ уч дастакка эга бўлиши керак.

Биринчидан, шоҳ билиши лозимки, фитначилар ёки ташқи душман одамларни ўлдириб, халқни қуликка солмоқчи бўлса, бас, у қўлга қурол олиб, ўз халқини ҳмоя қилишга мажбур.

Иккинчидан, агар имконият бўлса, қурол ишлатмай, фитнани бостириш ва ташқи душманни бартараф этишга уриниб кўриш керак.

Ва учинчидан, имкониятта қараб душманни асир олиб, ўлдирмасдан қуролсизлантириш керак.

Шоҳ бу уч дастакка таяниб, ўз қўшинларига жанговор манзилларга тарқалиш ва жангта ҳозирланиш юзасидан тегишли буйруқлар бериши керак.

Шунда жангчилар ўз шоҳининг олийхиммати олдида, қаътияти ва улугворлиги олдида қаноат ҳосил қиласидилар. Нечун мухораба олиб бораётганини тушунади ва ўз шоҳини қўллаб-қувватлайдилар. Шоҳнинг раҳм-шафқати ва ҳамдардлигига ишонган ҳолда жанг қиласидилар, шунинг учун шоҳ ҳар доим голиб чиқади. Бунинг устига, унинг галабаси унинг эзгу аъмолига айланади.

З-БОБ  
БУДДОНИНГ БАХТИЁР ЮРТИНИ БАРПО ЭТИШ

**1. АҲИЛ ОИЛА**

1. Зулмат ичра кенг текислик бўлгувчи эди. Нурдан асар йўқ. Текисликда беҳисоб кўп тирик жонзот яшар эди.

Коронгулик туфайли тирик жонзотлар бир-бирини билмас эди, ҳар бир маҳлук ёлғиз эди. Улар гариблиқдан дарду алам тортиб яшар эди. Турмуши гам-гуссали эди.

Шунда тўсатдан нур кўринди. Кутмаганда, улугвор инсон пайдо бўлди, у боши узра катта машъала тутган эди. Коронгу текислик бир зумда нур билан ёришиб кетди.

Шу вақтгача зулмат қўйнида ўрмалаган тирик маҳлуклар оёққа турди ва теваракка алангладилар. Улар теваракда ўзларига ўхшаш кўплаган жонзотлар яшаётганини кўрдилар. Қувонч нидолари билан бир-бирига толпиндилар, қучоклашиб, шодон кулиб гаплаша кетдилар.

Текислик бу ерда ҳаётни англатади. Зулмат-тўгри ақл-идрок нурининг йўқлиги. Дилда ақл-идрок нурининг йўқлиги туфайли одамлар бир-бiri билан учрашиб, таниша ва дўстлаша олмайдилар. Улар ёлғизликда туғилиб ва ёлғизликда ўлиб кетадилар.

Улар ёлгизлиқда тугилиб ва ёлгизлиқда улиб кетадилар. Улар мутлақо гариб, фақат беҳуда уриниб, ёлгизлиқдан озору алам чекадилар.

Боши узра катта машъала туттган улуг инсон пайдо бўлди-демак, ақл-идрок нури билан Буддо ҳаётга келди.

Бу нур билан ёритилган одамлар илк дафъя ўзини таний олди ва бошқаларни кўра олди. Хайрон ва шодон ҳолда бир-бирига толпинадилар, шунда улар аро дўстлик тугилади.

Неча миллионлаб одам яшаса-да, агар улар бирбирини билмаса, бу жамият эмас.

Жамия — бу шундай одамлар гуруҳики, унда мудом ақл-идрокнинг нури порлайди, одамлар бир-бири билан таниш, бир-бирига ишонадилар, тинчлик ва ахилликда яшайдилар.

Тинчлик ва ахиллик — бу жамият ва одамлар гурухининг ҳаёти, бу жамият ва гурухининг асил мазмуни.

2. Оламда одамлар туркумининг уч нусхаси мавжуд.

Биринчи нусхадаги туркум бошлиқнинг ҳокимияти ёки бойлиги туфайли мавжуд.

Буддонинг баҳтиёр юртини барпо этиш

Иккинчи нусхадаги туркум кишилар ўз ҳисоб-китоби билан йигиладилар, ҳисоб-китоб ўзини оқлар экан, туркум яшайди.

Нихоят, учинчи нусха — бу туркумга муқаддас таълимотта мухлис кишилар уюшадилар, уларнинг ҳаёти тинчлик ва ахилликда ўтади.

Бу уч нусха ичида учинчи нусхадаги туркум чинакам қавмдир. Ундан кишилар бир дил билан яшайди, турли-туман хайрли ишлар қиласиди, шунинг учун унда тинчлик, шодлик, мўл-кўлчилик ва баҳт-толеъ ҳукмрон.

Тоғларга ёққан ёмғирлар тог жилгаларига йигилиб, сўнгра ўзаро қўшилиб, уммонга келиб қўйиладиган лиммо-лим сувли катта дарёларни ҳосил қиласидек, бир таълимот ёмғиридан баҳра олаётган турли ахволдаги ва ёшдаги одамлар ҳам кичик қавмлардан жамият ташкил қиласидилар ва нихоят, ягона дили равшанлик уммонига қўйиладилар.

Сув билан сут қўшилганидек, ҳамма одамларнинг дили қўшилганда, чинакам аҳил қавм туғилади.

Бу оламда чинакам ахил қавмнинг ташкил топишида тўгри таълимот — асосий кучдир. Бир-бирини кўришга ёрдам берадиган чироқ — шу, дилдаги сакталикни бартараф қиласидиган, тинчлик ва ахиллик барпо этадиган куч — шу.

Яъниким қавмнинг барча аъзолари ўз дилини ушбу таълимотга мос камол топдириш зарур, буддо жамоаси, ҳар турли одамларни бирлаштиrsa-да, бир хил эътиқодларнинг ҳаққоний қавми икки кўринишдаги аъзолардан ташкил топади.

3. Бир хиллари қавмлар орасида Буддо таълимотини тарғиб қиласидилар, бошқалари эса озиқ-овқат ва кийим-кечак тайёрлаб улар ҳаётини таъминлайдилар. Униси ҳам, буниси ҳам ўз жамоасини қўллаб-қувватлаш ва кенгайтиришга мажбур, таълимотнинг абадий яшамоги учун бутун кучини сарф этиши керак.

Жамоа аъзолари доим тинчлик ва ахилликка интилиши керак, ўз жамоаси вазифасини бажарип учун бутун куч-қувватини багишлиши даркор. Роҳиблар дунёвий издошларни ўқитиши керак, дунёвий издошлар эса уларнинг таълимотига инонмоги

Буддонинг баҳтиёр юртини барпо этиш

лозим, оқибатда, роҳиблар билан дунёвий издошлар аро тинчлик ва аҳиллик бўлажак.

Улар низосиз, тинчлик ва аҳилликда яшаш учун, ягона эътиқодлиларнинг биргаликда баҳт-толеъдан яйраб, бир-бирини севиб яшashi учун бутун кучини багишлаши ва дилларнинг ўзаро қўшилувига интилиши керак.

4. Жамоанинг тинчлик ва аҳилликка эришмоги учун олти ақида бор. Биринчиси — сўзнинг самимийлиги. Иккинчиси — аъмолнинг самимийлиги. Учинчиси — дил самимияти. Тўртинчиси — қўлга кирган ашёларни ҳамманинг ўртасида баравар тақсимлаш. Бешинчиси — умумий соғ удумларга риоя қилиш. Нихоят, олтинчиси — ҳамма тўгри қарашда бўлсин.

Булар орасида тўгри қараш ҳақидаги олтинчи қоида — асосийдир, қолган беш ақиданинг магзидир.

Яна бутун жамоа учун етти ва алоҳида-алоҳида аъзолар учун етти ақида бор. Агар ушбу ақидаларга риоя қилинса, жамоа равнақ топади. Аввало, бутун жавмоа учун қоидалар:

Биринчи — таълимотни тинглаб, муҳокама қилмоқ учун тез-тез йигилиб туриш.

Иккинчи — катталар хам, кичиклар хам инок яшасин ва бир-бирини хурматласин.

Учинчи — таълимотни ҳурматлаш ва уни ўзгартирипаслик.

Тўртингчи — каттала кичиклар билан сухбатлашганда, иззат — ҳурмат қоидасига риоя қилиш.

Бешинчи — ҳалоллик ва чуқур ҳурмат ахлоқнинг асоси бўлиши керак.

Олтинчи — сукунатда дилни поклаш керак. Янагин овлоқ жойга бошқаларни эҳтиётлаб олдин ўтказиб, охирида ўзи борсин.

Нихоят, еттинчи — одамларни севиш, меҳмонларни илиқ кутиб олиш, bemорларни эҳтиётлаб парвариш қилиш. Агар шу етти ақидага амал қилинса, жамоага бухрон хавф сола олмайди.

Бу ёғига жамоанинг алоҳида аъзоси учун етти ақида. Биринчидан, дилни пок сақлаш ва ортиқча кўп ашё тиламаслик. Иккинчидан, зикна бўлмаслик ва шундай қолиш. Учинчидан, сабрли бўлиш ва баҳс бойламаслик. Тўртингидан, сукут сақлаш ва ортиқча сўз айтмаслик. Буддо таълимотига риоя қилиш ва камтарин бўлиш. Олтинчидан, биргина таълимотта амал қилиш, бошқаларига алаҳсимаслик. Еттинчидан, соддаликни севиш ва озиқ-овқат, кийим-кечакка ҳирс қўймаслик. Агар бу етти ақидага риоя қилинса, жамоага бўхрон хавф сола олмайди.

5. Айтиб ўтилганидек, буддо жамоасининг ҳаёти-тинчлик ва аҳилликдир. Нотинч ва ноахил жамоа буддо жамоаси бўла олмайди, демак, парокандалиждиан қочиш керак. Агар ихтилоф пайдо бўлса, унга дарҳол барҳам бериш керак.

Конни қон билан ювилмайди, озорни озор билан босиб бўлмайди. Озорни фақат уни унутиш билан бо-сиш мумкин.

6. Қадимда шоҳ Каламити яшаган экан, унинг давлати Браҳмадатта номли уришқоқ қўшни шоҳ, томонидан босиб олинибди. Шоҳ Каламити хотини ва ўғли билан бирга маълум муддат яширинибди, бироқ ҳадемай уларни ушлабдилар. Фақат ўғлигина қочиб қўтилиби.

Шоҳни қатл қиласар куни унинг ўғли отасини қутқазмоқчи бўлибди ва қулай фурсатни пойлабди. Бироқ бундай фурсат ўнг келмабди, бас, шаҳзода ўз отасини қандай қатл қилишларини чорасиз кўриб туришга мажбур бўлиби.

Шоҳ кўзлари билан оломон ичидаги ўғлини топибди ва гўё ўз-ўзига сўзлагандай нидо қилиби: “Узок излама. Ишни бажаришга шошилма. Озор, фақат эсдан чиқса, босилади.”

Шаҳзода отаси учун ўч олишга онт ичибди. У қулай фурсатдан фойдаланиб шоҳ Браҳматта хизматига кирибди, тез орада унга яқинлашибди ва ишончини қозонибди.

Кунларнинг бирида шоҳ шикорга чиқибди. Бу фурсатдан фойдаланиб, шаҳзода отаси қасдини олишига қарор қилибди. У сездирмасдан шоҳни навкарлардан узоклаштириби ва тогларда факат икковлон шикорга берилибди. Ҳадемай шоҳ ҳорибди, бошини навқирон мулоzим тиззасига қўйиб ерга ёнбошлабди, унинг садоқатига ҳатто гумон қилмабди ва мудраб кетибди.

“Ўч олиш соати келди”, - чоғланди шаҳзода, қилични қиндан сугирди ва уни шоҳнинг томогига тўгрилади. Шу чоғ у отасининг ўлим олдида ўзига айтган сўзларини эслабди. Қилични шоҳнинг томогига бир неча марта сермамоқчи бўлибди-ю, лекин буни қила олмабди. Саросимланиб турганда, шоҳ уйгонибди. Даҳшатли туш кўрганини айтибди, гўё шоҳ Каламитининг ўгли унинг томогини кесиб ташлашга ҳаракат қилган эмиш. Шаҳзода шоҳни ушлаб олибди ва кўп кутгани, ўзини шайлаб юргани отаси ўчини олмоқ учун, қилич ўқталибди. Бироқ бир зум ўтмай, қилични ерга улоқтириби ва шоҳ олдида тизчўкибди.

Шоҳ Каламитининг ўлими олдида айтган сўзлари шоҳ Браҳмадаттага кучли таъсир қилибди ва у шаҳзодани афв этибди. Шаҳзода ҳам ўз отасини ўлдирган шоҳни кечирибди. Улар ярашибдилар ва шоҳ Браҳмадатта шаҳзодага ўз салтанатини қайтарибди. Шундан сўнг улар кўп замон дўстиноқ яшабдилар.

Буддонинг бахтиёр юртини барпо этиш

Шоҳ Каламити ўлим олдида айтган сўзларидан “Узоқ излама” “қалбингда нафратни узоқ олиб юрма” деган маънони билдиради. “Ишни бажариш-га шопшилма” эса “дўстликни бузишга шопшилма” маъноси-ни англатади.

Озор билан озорни босиб бўлмайди. Уни фақат унтиш билан кетказиш мумкин.

Тинчлик ва ахиллик ҳукм сурган буддо жамоасида бу зарбулмасалнинг сабогини ҳеч қачон ёддан чиқариб бўлмайди.

Зеро, на фақат буддо жамоасида, дунёвий турмушда ҳам унутмаслик керак.

## 2. БУДДО ОЛАМИ

1. Айтиб ўтилганидек, буддо жамоасидан асосий нарса — тинчлик ва ахилликдир, агарда жамоа ўзининг Буддо таълимотини тарғиб этиш вазифасини эсдан чиқармаса, у аста-секин ўсиб-улгаяди ва ҳам энига, ҳам бўйига қулоч ёяди.

Таълимотнинг ёйилиши дили равшанлик изловчи кишиларнинг қўпайиши билан белгила-нади. Бу, демак, ташнаи зорлик, кину кек ва нодонликнинг, ҳозиргача дунёда ҳукм суриб келаётган иблис бошлиқ жаҳолат ва эҳтирослар-нинг чекиниши ҳамдир ва ақл-идрок ёргулик, ишонч ва қувонч салтанатининг тикланиши ҳамдир.

Иблис салтанати эҳтиросларининг, хурофот, жанжал, қирғин-барот, қон тўкиш ва урушларнинг кони. У кину кек, нафрат, қингир ўйлар, алдов, ти-лёгламалик, тиз чўкиб юкуниш, хуфячилик ва хақоратларга тўладир.

Мана, ниҳоят, унда ақл-идрок чироги ёнди, раҳм-шафқат ва ҳамдардлик ёмгири ёғди, иймон илдиз отди, шодлик гул очди, бас, иблис салтанати бир лаҳзада Буддо оламига эврилди.

Илиқ шабада ва дастлабки гул-чечаклар баҳор келганидан дарақ берганидек, инсон дилининг равшанлиги ҳам майса-чечак ва дараҳтлар, дарё, тоглар ва ҳоказо-ҳаммасини Буддо оламига айлантиради.

Чунки агар дил пок бўлса, атроф-теваракдаги ҳамма нарса пок кўринади.

2. Тўгри тълимот қадрланган оламда инсон дили пок ва хотиржам. Чунки Буддо одамларга улуг ҳамдардлик туфайли уларни муттасил ёритади ҳамда ҳимоя қиласи ва бундан уларнинг мурдор дили покланади.

Пок ва хотиржам дил вакт ўтиши билан нодир дилга, тўгри йўлдан бормоги муқаррар дилга, эҳсон

Буддонинг бахтиёр юртини барпо этиш

қилгувчи, ўйтларга амал айлагувчи дилга, мушфик, майин дилга, ақл-идрокли, раҳмдил ва ҳамдарт дилга, ҳамма чора-тадбирлардан фойдаланиб одамларни тўғри йўлга солгувчи дилга айланади.

Хотин ва бола-чаقا билан оила ҳам Буддо иштироқ қилгувчи оила бўлиб қолади. Ижтимоий тафовутлар муқаррар бўлган давлат ҳам Буддо бошқараётган қон-қардош дилларнинг биродарлигига айланади.

Очкўзликдан сўқир бўлган кишилар томонидан тикланган қаср Буддо учун турар жой эмас. Бироқ, Затто кечалари томидан ойнинг шуъласи тушиб турадиган тўпори кулба ҳам, агар унда пок ва хотиржам дилли инсон яшаса, у Буддога турар жой бўла олади.

Агар Буддо олами ҳатто биргина инсон дилида қад кўтарган бўлса ҳам, у ўзига ягона эътиқодларни жалб қила бошлайди ва биродарлик барпо этади. Буддога эътиқод бир кишидан оиласа ёйилади, оиладан кишлокқа, кент, шаҳарга, мамлакатга ва ниҳоят, бутун дунёга таралади.

Ҳақиқатда эса, Буддога эътиқоднинг тарагиши — Буддо олами сарҳадларининг кенгайиши демакдир.

3. Бу олам, бир томондан, иблис тасарруфидаким, бу эҳтирос, қон тўкувчи жанглар майдони оламидир. Дили равшанликка инонгувчи инсон бу оламни булгаган қонни сутга, эҳтиросларни раҳм-шафқатга айлантиради. Ушбу оламни иблисдан тортиб олиш ва Буддо оламига айлантириш учун курашади.

Чўмични бир ботириб сув олиш билан улкан уммоннинг бутун сувини олиб олиш гоят душвор. Илло Буддога инонгувчи инсон, неча бора қайта туғилса ҳам, бу ишни поёнига етказиш истаги билан тўлиботшади.

Нариги қиргоқда тик турган ҳолда Буддо кутяпти. У қиргоқ-дили равшанлик олами, унда ташнаи зорлик, нафрат, нодонлик, азоб ва азиятлар йўқ. У ерда фақат ақл-идрок нури порлайди ва раҳму шафқат, ҳамдардлик ёмгири ёғади.

Бу оламда қийналга азоб чеккан, куйиб-ёнган ёхуд Буддо таълимотини таргиб этмоқдан ҳориган кишилар у оламда истироҳат қиласидилар.

Бу — Буддо олами, унда мангу нур порлайди, унда ҳаёт абадий, унда янглишувлар қайтаришмайди.

Ҳақиқатан, бу Буддо олами дили равшанлик қувончига тўла, гуллардан тараалаётган нур ақл-идрокни мадҳ, этади, қушлар таълимотни тараннум

Буддонинг баҳтиёр юртини барпо этиш

қиласи. Бу ерда инсон ўзининг охирги бошпанасини топади.

4. Илло, бу истироҳат мамлакати бўлса ҳам, танбаллик жойи эмас. Гуллардан тўкилган жойлар ўлик уйқуси билан абадий ухлаш учун эмас. Бу ўзининг муқаддас вазифасини бажармоқни давом эттириш учун куч-қувват йигиладиган жойдир.

Буддонинг иши ҳеч қачон тугамайди. Инсон яшар экан, тирик жонзорлар яшар экан, тирик жонзорларнинг дили ўз оламини тузар экан, у тугамайди.

Нариги қиргокда Буддонинг ёрдамида покиза оламга етишган Буддо болалари янгитдан ўзининг илгариги оламига қайтмоғи ва Буддо ишига қўшилмоғи лозим.

Бир чўғдан бошқа беҳисоб оловлар туташтирилган каби, Буддо дилининг ўти одамлар дилида чексиз оловлар ёндиради ва бу абадий давом этади.

Буддо болалари ҳам ундан ибрат олиб, ёришмоғи учун кишилар дилида беадад ўтлар ёқадилар, бу билан Буддо оламини безайдилар.

### 3. БУДДО ОЛАМИНИНГ ТАЯНЧИ

1. Шоҳ Удаянинг хотини хотини Сямавати Буддога қаттиқ инонар эди. У шоҳ саройининг ичкарихужраларида яшар, ҳеч қачон сарой ташқарисига чиқмас эди. Унинг букри жорияси мислсиз кувваи ҳофизага эга эди. У ҳар доим Буддо ваъзларини тинглар ва кейин ўз бекасига сўзма-сўз ҳикоя қилиб берар эди. У туфайли маликанинг иймони тобора мустаҳкамланиб борар эди.

Шоҳнинг иккинчи хотини кўнчи эди. У кундошини ер юзидан гумдан этишга жазм қилди ва уни шоҳ Удаянага чақимчилай бошлади. Қаҳрланган шоҳ Сямаватини катл этишга қарор қилди.

Сямавати ўлимга ҳозирланиб шоҳ ҳузурида итоаткорона турди. Аммо, шоҳ уни раҳмдиллик ва ҳамдардликка тўла ҳолда кўриб, ёй кўтариб ўқ уза олмади. Унинг газаби совуди ва Сямаватидан бундай совук қилмиши учун узр сўради.

Ичи қора иккинчи хотин даргазаб бўлиб, кундоши томонга ёвуз кимсани юборди ва Сямавати яшайдиган ичкари ҳужраларга ўт қўйди. Жория-лар питир-

Буддонинг баҳтиёр юртини барпо этиш

лаб қолдилар, аммо малика уларга таскин берди ва ҳайрат-ҳаяжонсиз, қўрқувсиз, Буддо таълим берганидай, итоаткорона ўлимга таслим бўлди. Букри жория хам ўт ичида ҳалок бўлди.

Буддонинг аёл издошлари ичида бу икки аёлга — малика Сямаватига энг раҳмдил, букри жорияга эса энг мўмина сифатида олий мадҳиялар багишланади.

2. Шакъя қабиласининг шоҳи Маҳанама Буддонинг амакиваччаси эди, у Буддо таълимотига аттиқ инонар ва Унинг содик издошларидан бири эди.

Ёвуз шоҳ Кўсали Вирудака Шакъя қабиласига уруш килиб келиб, енгтан чоғда, Маҳанама ўз қасридан чиқди-да, шоҳ Вирудакадан қаср ичида яшовчи ҳалқини халос айлашини сўради. Ёвуз шоҳ унинг илтимосини рад этганда, ҳовузга тушиб, сув остида туражагини, ҳеч бўлмаса, шу вақт ичида қаср дарвозасини очиб қўйишни сўради.

Шоҳ Вирудака, инсон узоқ вақт сув остида турла олмайди деган фикрда, рози бўлди.

Маҳанама сув ичига чўмди. Қаср дарвозасини очдилар, ҳалойиқ шодлик садолари билан ташқарига

отилди-ташқарида уларни озодлик кутар эди. Аммо Маҳанама сувдан чиқмади. Сув остида соchlарини ёйиб, улар билан ўзини мажнунтол томирига bogлади. У ҳаётини қурбон қилиб, халқини қутқазади.

3. Роҳибалар орасида Утпалаварна гоят ёргуғ идрокли бўлиб, у ақл-идроқда Маудгальяяна билан баҳслаша олур эди. Доим кўплаб роҳибалар орасида ватъ айттар ва уларнинг энг яхши раҳбарларидан бири эди.

Фоят маккор ва тошбагир Девадатта шоҳ Ажатасатрани Буддо таълимотига қарши боришга кўндиради. Илло шоҳ кейинчалик Буддо эътиқодига юз буради ва Девадаттага қулоқ солмай қўяди. Бир куни Девадатта саройга шоҳ ҳузурига кирмоқчи бўлади, бироқ уни дарвозадан киргизмайдилар. У нима қиларини билмай, дарвоза олдида турар экан, худди шу чоғ дарвозадан Утпалаварна чиқиб қолади. Уни кўриб, Девадаттанинг бирдан қаҳри келади ва бутун кучини жамлаб мушт билан унинг бошига уради.

Утпалаварна оғриқка чидаб роҳиблар уйига қайтади. Ҳайрону нолон шогирд қизларини юпатиб, уларга шундай дейди: “ Ҳамшираларим. Инсон ҳаётида ҳеч нарсани олдиндан кўриб бўлмайди. Дунёда ҳамма нарса ўткинчи ва моҳиятга молик эмас.

Буддонинг баҳтиёр юртини барпо этиш

Фақат дили равшанлик олами осойиш ва соқит. Сиз ўз дилингизни камол топдирмогингиз ва дили равшанликка эришмогингиз керак.” Шу сўзларни айтиб, у оҳиста жон таслим қилибди.

4. Илгари кўп одамларни ўлдирган тошбагир босқинчи Ангулималья Буддо томонидан нажот топди ва Унинг шогирдига айланди. Тиланчилик қилиши учун шаҳарга борганда, одамлар уни ҳайдадилар ва бурунги ёвузликлари учун урдилар.

Кунлардан бир кун у шаҳарда гадойлик қилиб юрганда, илгари ундан озор еган кишилар уриб дабдаласини чиқардилар. Конга бўялган ҳолда аранг роҳиблар уйига етиб келди ва Буддонинг оёқларига йиқилди. У илгариғи гуноҳлари учун жабр тортишга имкон берганидан Буддога миннатдорчилик билдириб, дейди:

“Ҳазрат! Тугилганимда, менга “зиёнсиз” деб исм қўйган эдилар, бироқ ўз нодонлигим туфайли кўп кишиларни ўлдирдим. Уларнинг ҳар биридан қонли бармоқ қирқиб олганим учун, менга Ангулималья деб лақаб қўйдилар, бу бармоқ йигувчи деганидир.

Энди Сенинг ҳамдардлигинг туфайли уч жавҳари шарифга хизмат қиласиган бўлдим ва ақл-идрокимнинг ёришмогига эришдим. От ёхуд сигирни йўлга солмоқ учун қамчи ёхуд чилвир ишлатадилар, аммо Сен, ю Ҳазрат, на қамчи, на чилвир, на халҷўп қўлламай, дилимни ўнгладинг.

Бугун қилмишимиға лойигини оляпман. Ҳаётимни узайтиришни сўрамай, тезроқ ўлмоқни ҳам сўрамай, жимгина умрим тугашини кутаман.

5. Маудгальяяна Шарипутра билан биргаликда Буддонинг энг яхши шогирдларидан эди. Бутпарастлар, Буддо таълимоти одамлар дилига сувдай сингаётганини кўриб, Унга ҳасад қилиб, ҳар бобда халал берса бошладилар.

Магар улар қандай тўсковуллар қўймасин. Тўгри таълимот говларсиз тарқалишида давом этди. Шунда бутпарастлар Маудгальяянани ўлдиришга қарор қилдилар, бу билан Буддони қўл-оёқдан маҳрум қилмоқчи бўлдилар.

Маудгальяяна бир-икки марта бутпарастлар ҳужумидан қочишга муваффақ бўлди, илло учинчи гал улар қуршаб олиб беаёв урдилар.

Дили равшан Маудгальяяна зарбаларга хотиржам туриб берди. Унинг суюкларини синдириб, этининг дабдаласини чиқариб, тилқапора қилдилар ва ҳар хил ваҳшийлар кўрсатдилар, магар у осуда дил билан ўлди.

